

2021 йил — ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ

Ижтимоий-сиёсий газета

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

№ 255 (255), 2020 йил 30 декабрь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАРИ, ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАРАКАТЛАРИМИЗ БАРДАВОМ ВА САМАРАЛИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномани тақдим этди.

Пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида бўлиб ўтган тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ташкилотлари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Мурожаатнома 15 та телеканал орқали жонли эфирда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида онлайн ёритиб борилди. Бу йил дунёнинг барча мамлакатлари учун синовли келди. Коронавирус давлатлар иқтисодиётига катта зарар етказиб, ижтимоий ҳаёт, турмуш тарзимизга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ҳеч кимга осон бўлмаётгани рост. Шундай таҳликали даврда давлатимиз раҳбари бошчилигида тўғри танланган йўл, аниқ ўйланган чора-тадбирлар, саъй-ҳаракатлар тўғрисида пандемия оқибатларини юмшатиш, кам талафот билан енгиб ўтишга муваффақ бўлмоқдамиз. Бу жараёнда, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг бир ёқадан бош қириб, ҳамжихатликда ҳаракат қилгани, бир-бирини фаол қўллаб-қувватлагани ютуқларимиз асоси бўлди. Мурожаатномада шу ҳақда сўз борар

экан, пандемия даврида жонбозлик кўрсатган шифокорларга, халқимизга, тадбиркорларга, кўмақдош давлатлар раҳбарлари, хорижий ҳамкорларга алоҳида миннатдорлик билдирилди. Поёнги етаётган йил сарҳисоби ҳақида сўз борди. "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" Давлат дастурига мувофиқ халқчил ислохотларимиз муваффақиятли давом этди. Қанчалик оғир бўлмасин ижобий ўзгаришларимиз суръати сақлаб қолинди. Бунёдкорлик ишлари бир зум ҳам тўхтамади. Тошкентда 2 та янги метро станцияси, ерусти метро линияси яна тушди, уй-жойлар, йўллар, кўприклар қурилди, янги ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди. Иқтисодиёт тармоқлари, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам янги лойиҳалар амалга оширилди, тадбиркорлик фаолияти рағбатлантирилди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тизими янги босқичга олиб чиқилди.

Давоми 6-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутат ва сенаторлар!
Азиз юрtdошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!
Олий Мажлисга ва халқимизга йўлланаётган бу йилги Мурожаатнома, ўтган йиллардан фарқли равишда, мураккаб бир даврга тўғри келмоқда.
Барчамиз яхши биламизки, бугунги кунда бутун инсоният коронавирус пандемияси деган глобал офатни бошидан ўтказмоқда. Бундай улкан фалокат жаҳон миқёсида сўнгги юз йилда рўй бермаган, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.
Охириги маълумотларга кўра, дунёнинг 191 мамлакатда 81 миллион киши коронавирус билан касалланган. Улардан 1 миллион 765 минг нафари вафот этган. Пандемия жаҳон иқтисодиёти учун — шунга эътибор беринг — ҳар ойда қарий 400 миллиард доллар миқдорда зарар келтирмоқда. Бугунги кунга қадар дунё бўйича 500 миллионга иш ўрни йўқотилган.
Пандемия жаҳон иқтисодиёти учун — шунга эътибор беринг — ҳар ойда қарий 400 миллиард доллар миқдорда зарар келтирмоқда. Бугунги кунга қадар дунё бўйича 500 миллионга иш ўрни йўқотилган.
Афсуски, бу офат бутун инсоният қатори халқимиз учун ҳам қутилмаган ташвиш ва мураккаб муаммоларни келтириб чиқарди. Бухоро ва Сардобада юз берган табиий ва техноген офатлар ҳам эл-юртимизнинг иродасини яна бир бор синовдан ўтказди.
Халқимизнинг буқилмас иродаси, фидокорона меҳнати ва матонати, аҳоли ва давлат органларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари тўғрисида мавжуд қийинчиликларни мардона енгиб ўтмоқдамиз.
Хабарингиз бор, пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб бутун бошқарув тизими ва барча тиббиёт муассасалари факулдада иш режимида ўтказилди.
Қисқа муддатда Тошкент шаҳри ва ҳудудларда барча шароитларга эга бўлган қарий 30 минг ўринли давонаш масканлари ташкил этилди. Улар зарур дори-дармон, ҳимоя ва энг замонавий диагностика воситалари билан таъминланди. Пандемияга қарши курашиш учун 200 мингдан зиёд тиббиёт ходими, жумладан, чет эллик 150 нафар юқори маалаки шифокор ва мутахассислар жалб этилди.
Хориждан 600 мингдан ортиқ ватандошларимиз юртимизга олиб келинди. Чет элда қийин аҳволга тушиб қолган 100 мингга яқин фуқароларимизга зарур ёрдамлар кўрсатилди.
Пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Инкирозга қарши жамғарма ташкил этилиб, коронавирუსга қарши курашиш, аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувват-

лаш билан боғлиқ тадбирларга бюджетдан 16 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шунингдек, давлат корхоналарига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти ҳамда қарий 8 миллион фуқарога жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдамлар берилди.
"Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида фидоий ва олижаноб ватандошларимизнинг фаол иштирокида 800 мингдан зиёд эхтиёжманд оилаларга 1 триллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.
Ўз пайтида қўрилган тезкор ва тизимли чораларимиз натижасида ушбу хатарли касалликнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмади. Юртимизда осойишта ҳаёт, барқарор иқтисодий ривожланиш давом этмоқда.
Карантин талабларини тўғри қабул қилиб, уларга амал қилган, сабр-тоқатли, олижаноб халқимизга, ўта хатарли вазиятда ўзини аямасдан мардона меҳнат қилган жонқуяр шифокорларга, "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатида муносиб иштирок этган барча тадбиркор ва фуқароларимизга яна бир бор ўзимнинг чўқур миннатдорчилигимни изҳор этаман.
Пандемияга қарши курашда бизга амалий кўмак берган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, халқаро молия институтлари, Россия, Хитой, АҚШ, Туркия, Бирлашган Араб Амириклари, Жанубий Корея, Япония, Германия каби давлатлар раҳбарларига ташаккур билдираман.
Мамлакатимиз билан яқин дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган чет давлатларнинг хурматли элчилари, халқаро ташкилотлар вакилларига раҳмат айтиб, эзгу тилакларимни билдиришдан мамнунман.
Ҳурматли парламент аъзолари! Қадри дўстлар!
Жорий йилда "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш" Давлат дастурига мувофиқ янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича барча соҳаларда ислохотларни қатъий давом эттирдик.
Халқаро валюта жамғармаси ва халқаро рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, бу йилги синовларга қарамадан, Ўзбекистон дунёнинг санокли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди.
Европа Иттифоқи тузилмалари билан яқин ҳамкорликда мамлакатимизга кенгайтирилган савдо преференциялари — "GSP+" тизимини татбиқ этиш бўйича, муҳим қадамлар ташланди. Ушбу тизим

келгусида республикамизда ишлаб чиқариладиган 6 мингдан зиёд турдаги маҳсулотларни Европа бозорига бож тўламасдан олиб кириш имконини беради. Бу, ўз навбатида, биргина тўқимачилик маҳсулотларининг йиллик экспортини 300 миллион долларга ошириш учун шароит яратди.
Жорий йилда мамлакатимизнинг халқаро молия бозорларига қишқик имкониятлари янада яхшиланди, илк бор миллий валютада 2 триллион сўмлик давлат еврооблигациялари паст фоизларда жойлаштирилди.
Бу йил республикамизда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар ҳамда инфратузилма объектлари барпо этилди. Жумладан, "Навоийазот" да аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси ҳамда азот кислотаси заводи, Муборак, Газли ва Шўртан нефть-газ корхоналарида суолтирилган газ ишлаб чиқариш қурилмалари, Тошкент металлургия заводи каби йирик қувватлар ишга туширилди.
Биргина энергетика соҳасида хорижий инвесторлар билан давлат-хусусий шериклик асосида 6 та янги электр станциясини барпо этиш ишлари бошланди. Уларнинг умумий қиймати 2 миллиард доллар бўлиб, 2 минг 700 мегаватт қувватга эга.
Тошкент шаҳрида 2 та янги метро станцияси ва илк бор 18 километрлик ер усти метроси фойдаланишга топширилди.
Қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар, ер майдонлари тўлиқ хусусий кластер ва кооперацияларга берилган пахтачиликда ҳосилдорликни бир йилда ўртача 10 фоизга ошириш имконини яратди.
Мева-сабзавотчилик, галлачилик ва чорвачиликда ҳам 500 га яқин кластер ва кооперациялар фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида, пандемиянинг салбий таъсирига қарамадан, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди.
Бу йил 91 минг гектар ер майдони қайтадан фойдаланишга киритилди. 133 минг гектар ери ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди.
Тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш бўйича қўллаб-қувватлаш ва енгилликлар берилди. Тадбиркорлик субъектларига 100 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан қарий 4 баробар кўп кредитлар ажратилди.
2020 йил аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида туб бурилиш йили бўлди, десак, муболага бўлмайдими.
Аввало, аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик мавжудлигини биринчи марта тан олиб, уни қисқартириш бўйи-

ча кенг қамровли ишларни бошладик.
Барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада эхтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги — "темир дафтар" тизими жорий этилди. Қисқа муддатда бу тизим орқали 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди.
Бундан ташқари, ўзини ўзи банд қилган аҳоли учун солиқ имтиёзлари берилиши ҳамда кўпгина чекловларнинг бекор қилиниши тўғрисида 500 минг нафар фуқаро меҳнат фаолиятини қонуний тарзда йўлга қўйди.
Деҳқон ҳўжалиги ва томорқа ер эгаларига 300 миллиард сўм имтиёзли кредит ва субсидия ажратилгани ҳам қишлоқ аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашда янги йўналишга айланди.
Тошкент шаҳри, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида ташкил этилган "IT-Парклар" да 500 дан ортиқ замонавий компаниялар иш бошлади.
Яқунлаётган йилда марказлашган ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун 3 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан 5 баробар кўп маблағ ажратилди. Натижада аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 73 фоизга етди.
Биргина жорий йилда ижтимоий нафақа олувчилар қамрови 2 баробарга оширилиб, 1 миллион 200 минг нафарга етказилди. Ушбу мақсадларга бюджетдан 2016 йилга нисбатан 5 баробар кўп маблағ ажратилди.
Кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 4 йил давомида 2 баробар ортиб, 60 фоизга етди. Бошқалар сони эса 3 баробарга кўпайиб, 14 мингдан ошди.
Бу йил олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилга нисбатан 2,5 баробарга ўсди, ёшларимизнинг олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етди.
Эхтиёжманд оилаларнинг мингга яқин қизлари илк бор олий ўқув юртиларига алоҳида давлат грантлари асосида қабул қилинди.
Ўзбекистон "Очқик маълумотларни кузатиш" халқаро индексида 125 поғонага кўтарилиб, 44-ўринни эгаллади. Бунда давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги 20 та йўналиш бўйича кўрсаткичларни ошқор қилиб бориш амалиёти жорий этилгани муҳим аҳамият касб этди.
"Иқтисодий эркинлик" рейтингига ҳам мамлакатимизнинг 26 поғона кўтарилгани ислохотларимизнинг халқаро майдондаги яна бир эътирофи бўлди.
Суд-ҳуқуқ соҳаси, жумладан, жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ислохотларимиз ҳам изчил давом

этирилди. Натижада бу йил судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.
Жаҳо муддатини ўтаётган ва тузалиш йўлига қатъий кирган 616 нафар фуқаро афв этилди.
Судлар мустақиллиги таъминланиши натижасида жорий йилнинг ўзида 719 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди.
Ўзбекистон фуқаролари қаерда бўлмасин, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинмоқда. "Меҳр-3" операцияси амалга оширилиб, Суриядан яна 98 нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар Ватанимизга олиб келингани бунинг яқол тасдиғидир.
Жаҳонда кечаётган мураккаб геосиёсий жараёнлар, коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инкироз шароитида Ўзбекистон очик ва прагматик ташқи сиёсатини фаол олиб бормоқда. Халқаро майдондаги қатъий саъй-ҳаракатларимиз натижасида юртимизнинг нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалмоқда.
Мамлакатимиз тарихида биринчи марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди. Яқинда АҚШ давлат департаменти томонидан Ўзбекистон диний эркинлик соҳасидаги "маҳсул кузатувдаги давлатлар" рўйхатидан чиқарилгани ҳам кенг қўллаб-қувватлаш ислохотларимизнинг эътирофидир.
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг олий минбаридан илгари сурган глобал ва минтақавий ташаббусларимиз дунё ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан қабул қилиниб, қўллаб-қувватланмоқда.
Қадри халқ ноиблари! Азиз юрtdошлар!
Барчангизга маълумки, кириб келаётган 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги 30 йил тўлади. Албатта, бу тарихий санани сиз, азизлар ва бутун халқимиз билан биргаликда "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" деган эзгу гоа асосида кенг байрам қиламиз.
Бугун келгуси йил учун режа ва дастурларимизнинг аниқ белгилаб олар эканлиги, мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни янада мустаҳкамлаб, энг муҳим ва устувор соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз, албатта.
Таъкидлаш керакки, пандемия барчамизга тиббиётнинг бирламчи бўлини — тез ёрдам хизмати, санитария-эпидемиология тизимини тубдан ислох қилиш муҳим ҳаётий зарурат эканини яна бир бор кўрсатди.
Ҳозирги вақтда дунёнинг бошқа мин-

тақаларида кузатилаётган "пандемиянинг навбатдаги тўлқини" ва у билан боғлиқ хавф-хатарлар ҳаммамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундамоқда.
Буюк аждодимиз Имом Мотуридиди хазратларининг "Тириклик ҳикмати-ни соғлиқда, деб билгин", деган чўқур маъноли сўзлари нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи бугун қайта-қайта исботламоқда.
Шу боис мавжуд имконият ва салоҳиятимиз, пандемия даврида орттирган тажрибамиз ҳамда хориждаги илгор ютуқлардан фойдаланиб, аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш борасидаги туб ислохотларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур. Бунда аҳоли, айниқса, ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш — энг устувор йўналишлардан бири бўлиши лозим.
Умуман, ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутди. Шу сабабли биз ислохотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етуқ, замонавий билим ва хунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз.
Биз ўз олдимиизга мамлакатимизда Учтинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улғун мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илмфан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий гоямизнинг асосий устувлари бўлиб хизмат қилиши лозим.
Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш — барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий оруз-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланмади.
Шу мақсадда "Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади", деган гоа асосида кенг қўллаб-қувватларини амалга оширамиз.
Биринчидан, ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўямиз, улар жисмон — тез ёрдам хизмати, санитария-эпидемиология тизимини тубдан ислох қилиш муҳим ҳаётий зарурат эканини яна бир бор кўрсатди.
Ҳозирги вақтда дунёнинг бошқа мин-

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РАХНАМОЛИГИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР АҲОЛИ ФАРОВОНЛИгини ЮКСАК БОСҚИЧГА КўТаради

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОХОТЛАРИ, ФАРОВОНЛИК йўлиДАГИ ҲАРАКАТЛАРИМИЗ БАРДАВОМ ВА САМАРАЛИ бўлади

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик ваколатхоналар вакиллари томонидан юксак баҳоланмоқда.

“Дунё” АА мухбирлари хорижлик дипломатларнинг Мурожаатномада мамлакатимиз ҳаётининг турли жабҳаларини янада самарали ислох қилиш бўйича илгари сурилган ташаббуслар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.



Содиқ Имоми,
Тожикистон элчиси:



Маниш ПРАБХАТ,
Ҳиндистон элчиси:

қилиш, тадбиркорлики ривожлантириш соҳасидаги ислохотлар шулар жумласидан. Президент раҳнамоллигидаги ислохотлар аҳоли фаровонлигини янги босқичга кўтариши, шубҳасиз.

Сўнги 3-4 йил давомида Ўзбекистон халқаро кўламда мавқеини сезиларли даражада юксалтиришга эришди. Мамлакат БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлди, оммавий ахборот воситалари эркинлиги соҳасидаги вазият ҳам яхшиланди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар ҳақида гапирганда, мен яқинда бўлиб ўтган икки мамлакат етакчиларининг онлайн-саммити, шунингдек, давлатларимиз ўртасида турли соҳалардаги кенг ҳамкорлик дастури мавжудлигини таъкидламоқчиман. Ҳиндистон ҳар доим яқин дўсти бўлган Ўзбекистонга изчил ислохотларни амалга ошириш жараёнида ёрдам беришга тайёр.

жиддийлигидан далолат беради. Иккинчидан, мен собиқ маданият ва туризм вазирини, Қирғизистон халқ рассоми сифатида маданият соҳасини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ғоясини тўлиқ маъқуллайман.

Президент Шавкат Мирзиёев доимо ўзбек халқининг бий маданият меросини асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратиб келади. Бугун у ўз сўзида мамлакатда 7 мингдан ортиқ меъморий ёдгорлик мавжудлигини эслатиб ўтди.

Учинчидан, қишлоқ ва чекка худудларда ишлар ниетидаги ўқитувчиларни рағбатлантириш қишлоқ мактаблари салоҳиятини юксалтириш ва бутун мамлакат бўйлаб таълим сифатини ошириш истагини намойиш этади.

Тўртинчидан, Ўзбекистон раҳбари томонидан демократияни янада мустаҳкамлаш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича таклиф қилинган қадамлар алоҳида эътиборга молик. Бу, аввало, демократиянинг асосий қуроли — сўз эркинлигини мустаҳкамлайди.

Бешинчидан, мен нутқда қайд этилган Ўзбекистон ташқи сиёсати масалаларига тўхталмасдан ўта олмайман. Марказий Осиё минтақаси яна устувор йўналиш сифатида таъкидланганидан мамнунимиз. 30 июнь санасини Ўзбекистонда Халқлар дўстлиги куни сифатида нишонлаш ташаббуси ҳам қувонарлиқдир.

Шавкат Мирзиёевнинг қўшнилар билан яхши муносабатларни ривожлантириш кераклиги ҳақидаги сўзлари менга жуда таъсир қилди. Ушбу биродарлик ва яхши қўшничилик сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёримиз.

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон парламенти ва халқига йўллаган навбатдаги Мурожаатномасида улкан вазифалар белгиланди, ўтаётган мураккаб йилнинг дастлабки натижалари сарҳисоб қилинди. Пандемия нафақат бутун дунё, балки минтақамиз, шу жумладан, Ўзбекистонга ҳам катта таъсир кўрсатди. Шу боис ушбу йўналишда ижобий натижаларга эришиш бўйича марралар кўзланди.

Ўзбекистонда 2021 йил “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саноатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинди. Шу билан бирга ижтимоий соҳани мустаҳкамлаш бўйича улкан мақсадлар кўйилди.

Рақобат муҳитини яратиш, давлатнинг иқтисодиётидаги улушчини камайитириш ва тадбиркорликни қатъий қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий ислохотлар ҳаётига изчил таъбиқ этилиши маълум қилинди.

Ташқи сиёсат борасидаги фикрлар бизда катта қизиқиш уйғотди. Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик ва стратегик шерикликни мустаҳкамлаш бўйича амалий конструктив сиёсатнинг давом эттирилиши алоҳида ургунланди.

Бу, албатта, бизнинг миллий манфаатларимизга ҳам жавоб беради. Биз ўз шериклигимизни илгари суришдан манфаатдоримиз.

Режалаштирилган ҳар бир чора-тадбирни амалга ошириш Ўзбекистондаги кенг қўламли ўзгаришларнинг пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади ва қардош мамлакат салоҳиятини янада оширади, деб умид қиламан.

Янги йил арафасида мен ўзбек халқини кириб келаётган 2021 йил билан табриклайман. Барчага сичаҳт-саломатлик, оилавий бахт, фаровонлик ва муваффақиятлар тилайман!

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Мурожаатномада қайд этилган вазифаларнинг амалга оширилиши, албатта, ўзаро алоқаларимизни янада фаоллаштиришга хизмат қилади. Биз, масалан, Ўзбекистон Мактабгача таълим вазирлиги билан яқин ҳамкорлик қиляпимиз. Хусусан, мутахассисларимиз Ўзбекистонлик ҳамкасблари билан мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш бўйича ўзаро тажриба алмашишдан хурсандимиз ва шериклик доирамизни кенгайтиришга тайёримиз.

“Дунё” АА.

— Мен Ўзбекистон Президенти нутқини катта эътибор билан тингладим. Давлат раҳбари Мурожаатномасининг диққат марказида ислохотлар мавзуси турди. Инновациялар, таълим, ёшлар сиёсати, ҳуқуқий соҳа, иқтисодий ривожланиш, инвестицияларни жалб



Иброгим ЖУНУСОВ,
Қирғизистон элчиси:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев нутқининг куйидаги жihatлари менда катта таассурот қолдирди, бу, фикримча, алоҳида эътибор ва ўрганишга лойиқ.

Биринчидан, 2021 йилни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саноатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилингани жуда муҳим ва истиқболли қарор бўлди. Президент билимли, интеллектуал ривожланган ва Ватанга содиқ ёшларни қўришни истаётганини таъкидлади. Давлатнинг энг катта бойлиги — бу унинг халқидир. Ушбу бойлиқни янада кўпайтириш учун аҳолининг маълумоти ва соғлиғига эътибор бериш керак.

Президент Ўзбекистонда оналик ва болалиқни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли дастур ишлаб чиқишлари таъкидлади. У 30 ёшгача бўлган ёш авлодни қамраб олади. Ушбу дастур доирасида аҳоли давлат томонидан 7 турдаги витамин билан таъминланганининг таъкид этилиши режалаштирилган кўмакнинг

Томаш КОЛЛАТ,
Польша Муваққат ишлар вакили:

— Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ўз Мурожаатномасида республикани ривожлантиришнинг ўта муҳим жиҳатларига тўхталиб ўтди. Польша бугун мазкур ислохотларни амалга оширишда Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаётганидан хурсандимиз. Хусусан, биз Нукус ва Қаршида зўравонликни бошдан кечирган аёллар учун реабилитация марказларида кичик бизнесни йўлга қўйиш

бўйича лойиҳаларни амалга оширдик. Бундай лойиҳалардан қўзланган мақсад — хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг салоҳиятини янада ошириш, шунингдек, бундай марказларнинг фаолиятига кўмак беришдан иборатдир.

Польша ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий алоқалар пандемия даврида ҳам фаол ривожланишда давом этганини таъкидламоқчиман. Хусусан, жорий йилда Польшага ўзбек маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми 150 фоизга ошди. Бу ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун барча имкониятлардан биргаликда фойдаланаётганимизни аниқлатади.

100 миллиард сўм бошланғич маблағ ажратилади ва бу маблағ йил давомида ошиб боради.

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, Ўзбекистонда биринчи марта чин етимларни қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой билан таъминлаш мақсадида 50 миллион сўм маблағ ажратилди.

Шунингдек, ўзбекистонлик талабаларга яна бир янги имконият тақдим этилмоқда. Хорижда ўқиш учун “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали жўнатиладиган ёшлар сони энди беш баравар кўпаяди. Агар улар шу даврга мажистратура ва докторантурада ўқи

Муносабат

Президентимизнинг жорий йил Олий Мажлиси Мурожаатномасида ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Унда, айнқса, ёшларимизни бизнес лойиҳаларини кредитлаш, уларни касб-хунарга ўқитишга йўналтириш, тадбиркорлик ташаббуси, саъй-ҳаракати ва ғояларини қўллаб-қувватлаш учун 2021 йилда бир триллион сўмга яқин маблағ ажратилишини ёшларимиз хурсандчиликл билан қарши олишди.

ЁШЛАР ЭЗГУ ТАШАББУСЛАРНИ ХУРСАНДЧИЛИК БИЛАН ҚАРШИ ОЛДИ

Алишер САЪДУЛЛАЕВ,
Ёшлар ишлари агентлиги директори

Айниқса, ёшларимизнинг таълим олишига имконият яратиш, янги рақобатбардosh кадрларни етиштириш учун Тошкент шaxида замонавий стандартларга жавоб берадиган янги университет очиш ҳақидаги таклиф тендосларимиз учун қўйилмаган қувончли воқеа бўлди.

Мурожаатномада яна бир янги ташаббус — Болаларни қўллаб-қувватлаш учун жамoат фонди таъкид этиш лозимлиги билдирилди. Ушбу фондга

100 миллиард сўм бошланғич маблағ ажратилади ва бу маблағ йил давомида ошиб боради.

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, Ўзбекистонда биринчи марта чин етимларни қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой билан таъминлаш мақсадида 50 миллион сўм маблағ ажратилди.

Шунингдек, ўзбекистонлик талабаларга яна бир янги имконият тақдим этилмоқда. Хорижда ўқиш учун “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали жўнатиладиган ёшлар сони энди беш баравар кўпаяди. Агар улар шу даврга мажистратура ва докторантурада ўқи

келган бўлса, келгуси йилдан бошлаб тажриба сифатида ўз нафар йилгит-қиз чет элга энг нубузли олий ўқув юртиларига бакалавр босқичида ўқиш учун жўнатилган бўлди. Кейинги йилларда уларнинг сони 2-3 бараварга кўпайтирилади.

Мурожаатномада ёшларимизни рағбатлантириш мақсадида уларни тадбиркорликка, касб-хунарга ўргатиш, таълим сифатида эътибор қаратиш ва, айнқса, ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари белгиланиши билан биргаликда аёлларнинг янада қўллаб-қувватлашга эътиборнинг кўрсатилаётгани юксак эътиборнинг яққол намунаси.

— Халол, пок бўлиб, одамлар билан ба маслаҳат ишлашга мажбуримиз. Акс ҳолда натижа бўлмайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқига Мурожаатномасида қўйилган вазифалар, мақсад ва ташаббуслар энди “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саноатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурида акс этади. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, уларни бажариш ҳар биримизнинг олдимиздаги олий мақсад бўлиши керак.

Абубакр ўРОЗОВ,
Улуғбек АСРОПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари

Эзгулик



Зайниддин ШОНҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти бош имом-хатиби

Дунёда ҳеч бир халқ ёки миллат ҳаёт синовларидан, тақдирнинг қўтилмаган зарбаларидан четда қолмайди. Жаҳон миқёсида серталафот кечаётган жорий йилда халқимиз бошига ҳам оғир синовлар келди.

Айниқса, глобал муаммага айланган

коронавирус пандемияси, Сардоба ва Бухорода руй берган офатлар, улар оқибатида келиб чиққан иқтисодий, ижтимоий қийинчиликлар матонатли халқимизни яна бир бор имтиҳондан ўтказди, иродасини тоблади.

Давлатимиз раҳбари томонидан бу офатларнинг оқибатларини бартараф этиш ва таъсирини юмшатишга қаратилган ташаббусларнинг ўз вақтида илгари сурилгани эса тарихий аҳамият касб этмоқда. Зотан, синовли дамлар давлат ва халқни олий мақсадлар йўлида янада жиқслаштириш баробарида бир умумий ғоя атрофида ҳам бирлаштирди. Давлатимизнинг мустаҳкам ҳимоясида эканлигини ҳис этдик.

Ўзбекистон ҳар қандай шароитда ҳам давлат ва халқ ҳамжиҳатлигининг ёрқин намунасини дунёга яна бир бор кўрсатди. Мамлакатимиздаги бирдамлик ва, энг асосийси, оқилна сиёсат юритилаётгани жамиятнинг мураккаб жараёнлардан кам талафот билан ўтиб олишига, халқимиз

турмуш даражаси барқарорлиги сақланишига замин яратмоқда.

Пандемия шароитида қийналиб қолган, меҳрга, ёрдамга муҳтож инсонларга саховат кўрсатиш тадбирлари Самарқанд вилоятида ҳам амалга оширилди. Жумладан, “Вақф” хайрия жамoат фонди томонидан кам таъминланган оилаларга 12 турдаги зарур озик-овқат маҳсулотлари тарқатилиб, уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётгани барчанинг кўнгилни тоғдек кўтармоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлашни бош ғоя сифатида қабул қилган жамият равнақ топади. “Қўпнинг дуоси — қўл”, дейди доно халқимиз. Ёрдам олган, меҳр кўрган инсоннинг дуоси эса юракдан чиқади. Бундай дуолар Яратганнинг ҳузурда қабул бўлишига қўллаб-қувватлаш ҳам оқилоғидир.

Қўпнинг дуоси — қўл, дейди доно халқимиз. Ёрдам олган, меҳр кўрган инсоннинг дуоси эса юракдан чиқади. Бундай дуолар Яратганнинг ҳузурда қабул бўлишига қўллаб-қувватлаш ҳам оқилоғидир.

Қўпнинг дуоси — қўл, дейди доно халқимиз. Ёрдам олган, меҳр кўрган инсоннинг дуоси эса юракдан чиқади. Бундай дуолар Яратганнинг ҳузурда қабул бўлишига қўллаб-қувватлаш ҳам оқилоғидир.

Қўпнинг дуоси — қўл, дейди доно халқимиз. Ёрдам олган, меҳр кўрган инсоннинг дуоси эса юракдан чиқади. Бундай дуолар Яратганнинг ҳузурда қабул бўлишига қўллаб-қувватлаш ҳам оқилоғидир.

ҳам. Вилоятимиздаги диний соҳа вакиллари кам таъминланган оилаларнинг хонадонларига ташриф буюриб, ҳақлар улашди. “Меҳрибонлик”, “Мурувват” ва “Саховат” уйларида дастурхон ёзилиб, совғалар улашилгани эса қувонч устига қувонч бағишлади.

Самарқанд вилоятининг табаррук, фазилатли жойларига уламолар, тажрибали имомлар етакчилигида Қўрьони қарим хатмлари қўйилмоқда. Аллоҳ таоло “Биз Қўрьонни мўминлар учун шифо ва раҳмат” улароқ нозил қилуримиз”, деб марҳамат қилган.

Биз Аллоҳнинг раҳматидан ҳам, шифосидан ҳам умидворимиз. Унинг “сурасанг, бераман”, мазмуниданга ваъдасида мувофиқ, юртимизга тинчлик, бунёдкорлик, халқпарварлик ишларига барокот, ишбушларимизга икки дунё саодати, бозорларимизга тўкин-сончилиги арзонлик сўраб, дуою илтижолар қилмоқдамиз.

Албатта, қўпни кўрган халқимиз ҳам дуою хайрларни қўпайтириб, юртимизга

тинчлик, барқарорлик, халқимиз бошидан бу болаларни қўтаришини сўраб, илтижолар қилиши айни совоби ишдир. Меҳр ва шафқат, саховатнинг манбаи ҳам, оқибати ҳам эзгулик. Шу боис, муқаддас динимизда саховатга давъат қилинади.

Аллоҳ таоло учун саховатли бандалар маҳбуб ва қадридир. У Оли Имрон сурасининг 134-оятда оғир дамларда ҳам эзгулик қиладиганларни севишини марҳамат қилади ҳамда жаннатга эришининг йўли ўзи яхши кўрган нарсани бошқаларга эҳсон қилиш эканлини алоҳида таъкидлайди.

Илоҳий давъат бўлган саховат дунёда ҳам барака келтиради, охирагда ҳам улкан ажрларга сабаб бўлади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бежиз сахийликни томирлари жаннатда, шохлари дунёга тушган дарахга қиёсламадилар.

Шундай экан, азизлар, саховат дарахти шохларига чиқиб, эзгулиқни шиир қилайлик. Бу борада ибрат, намуна бўлиб турганларга эргашайлик. Шукри тарийб

қилайлик. Шунда Яратган неъматларини янада зиёда қилади. Зеро, Аллоҳ таоло Қўрьони қаримда: **“Яна Раббингиз эълон қилган** (бу сўзлар) **ни эслангиз: Қасамки, агар** (берган неъматларига) **шукр қилсангиз, албатта,** (уларни янада) **зиёда қилурман...**”, деб ваъда берган.

Инсонпарварлик тадбирлари замирида диёримиздаги ислохотларнинг бош мезони булган халқни рози қилиш тамойили мужассам. Хоразмлик аллома Маҳмуд Замашхариининг “Атвoқуз захoб” асарида бундай мисрлар бар:

Мурувoат — гўзал хулқга хос аломат.
Ахлоқий покликка эрур далoлат.
Аллоҳ ризoлини қoзонoй десанг,
Кoм бўлмассанг, шу хислатни қил oдат.

Аллоҳ таоло барчаларимизни Ўзининг рудуҳ хидоятда собитқадам қилсин! Ўзининг шукр қилувчи бандаларидан бўлишимизни насиб айласин! Тинчлигимиз бардавoм, тараққийтимиз барқарор, халқимиз фарoвон бўлсин!

Ўзбекистон ва ЕОИИ

Ақром НЕЪМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти директорининг биринчи ўринбосари
Амир САЛОМОВ,
институт бўлим раҳбари

29 декабрь мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида йилнинг энг муҳим тадбири — Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбарининг ички ва ташқи сиёсатимизнинг долзарб масалалари юзасидан билдирган фикрлари, таклиф ва ташаббуслари сиёсий доира вакиллари ва кенг жамоатчилик томонидан юксак баҳоланмоқда. Мурожаатномада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга ошириладиган муҳим ислохотлар, эришилаётган натижалар ва олдимишда турган устувор вазифалар чуқур таҳлил этилди.

Хусусан, мамлакатимизнинг ташқи сиёсатини ривожлантириш, хорижий мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустақамлаш масалаларига ҳам ургу берилди. Президентимиз бу ҳақда тўхталар экан, жумладан, Ўзбекистон яқинда Евроосиё иқтисодий иттифоқида қузатувчи мақомини олгани, ушбу ташкилотга аъзо бўлган давлатлар бозорларида тўлақонли иштирок этиш учун миллий техник тартибга солиш меъёрларини уларнинг талабларига мослаштириш бўйича ишларни жадаллаштириш зарурлигини айтиб ўтди.



Айтиш кераки, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш ва иқтисодий модернизацияни жадаллаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Ўзбекистон фуқаролари манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, халқаро иқтисодий алоқалар тизимида мамлакатимизнинг ўрни ва ролини ҳамда жаҳон ҳамжамиятидаги оҳирисини мустақамлаш мақсадига фаол ишлар олиб борилди.

Хусусан, Ўзбекистон ўз тарихида илк бор Мустақил давлатлар ҳамдустлиги ташкилотига раислик қилди ҳамда белгиланган режа ва мақсадларни муваффақият билан амалга оширди. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашига аъзо бўлди. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолияти доирасида Ўзбекистоннинг иштироки сезиларли равишда фаоллашди. Пандемияга қарамасдан яқин ва узок хориждаги барча мамлакатлар ҳамда ташкилотлар билан шериклик алоқалари янада мустақамланди. Шу билан бирга, яқунланаётган йилнинг муҳим воқеаларидан бири — 11 декабрь кун Олий Евроосиё иқтисодий кенгашида Евроосиё иқтисодий иттифоқида аъзо мамлакат раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикасига ташкилот ҳузуридаги қузатувчи давлат мақомининг бериши тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилингани бўлди.

Қайд этиб ўтиш лозимки, ЕОИИ томонидан Ўзбекистонга ушбу ташкилот ҳузурида қузатувчи давлат мақомининг берилиши, бу шубҳасиз нўнгги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ошаётганлиги, мамлакатимиз ташқи савдо-инвестицион муносабатларда фаол иштирокчига айланган, минтақада муҳим роль ўйнаб келадиганлигини яққол намойён қилди. Бундан ташқари, қузатувчи давлат мақомининг берилиши — ташкилотга аъзо давлатлар томонидан Ўзбекистонга ишончли ва маъсулиятли ҳамкор сифатида қаралишининг далolatидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ЕОИИ саммитидаги нутқида таъкидлаганидек, бугунги кунга келиб Иттифокнинг халқаро нуфузи тобора ортиб, ташкилотнинг хорижий мамлакатлар билан амалий ҳамкорлик географияси кенгайиб бормоқда. Шу ўринда утган самитда Ўзбекистон билан бир қаторда Куба давлатига ҳам ташкилот ҳузуридаги қузатувчи давлат мақоми берилаётганлиги ЕОИИ ривожланиш бораётган салоҳияти ва кенг қамровли иқтисодий ҳамкорликни изчиллик билан олиб бораётган ташкилот эканлиги намойён бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкор-



Мисол учун, 2017-2019 йилларда Ўзбекистоннинг ЕОИИга аъзо давлатлар билан умумий товар айирбошлаш ҳажми йилига 26 фоизга ошиб, қарийб 10 миллиард долларга етди. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ташқи савдосидаги улуши деярли 30 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт ҳажми эса 75 фоиз ортиқни ташкил қилади. Бундан ташқари Ўзбекистон ташқи савдо юкларининг 80 фоиз ЕОИИ давлатларлари ҳудуди орқали ўтади.

лик қилишининг сезиларли фаоллашиши, жумладан, ташкилот ҳузуридаги қузатувчи мақоми олиши ҳар томонлама мамлакатимизнинг миллий манфаатларига жавоб беради ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги устувор ва долзарб вазифаларни амалга оширишда хизмат қилади. Буни куйидаги омиллар орқали кўрсатиб ўтиш мумкин.

Биринчидан, ЕОИИ минтақада катта иқтисодий салоҳиятга эга ва ривожланиб бораётган тузилмалар сафига кирди. Хусусан, иттифоқ аҳолиси сони 185 миллион нафар, аъзо мамлакатлар ҳудуди дунё ер майдонининг 14 фоизини эгаллайди. Бутун дунё табиий газ захираларининг 20 фоизи, унинг экспортининг 50 фоизи, нефть захираларининг 8 фоизи ва экспортининг — 18 фоизи, кумир захираларининг 22 фоизи, жаҳонда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг 5,1 фоизи Иттифокга аъзо

давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Қайд этиш лозимки, иттифоқ иқтисодийнинг муҳим тармоқлари жаддалик билан модернизация қилиниб, технология ва юқори қиймат қўшилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилмоқда. Жумладан, 2019 йилда ЕОИИда санаот ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 триллион долларни ташкил этди (2018 йилга нисбатан 2,5 фоиз ўсиш). Санаотда қайта ишлаш маҳсулот ҳажми 2018 йилга нисбатан 13,8 фоиз ўсиш қайд этилди. Шу билан бирга иттифоқ давлатлари ўртасида санаот маҳсулотларининг савдо айланмаси 2018 йилга нисбатан 34,1 фоизга ошди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва қайта ишлаш ҳажми 2019 йилда 120 миллиард долларни ташкил қилди (2018 йилга нисбатан 3,4 фоиз ўсиш қайд қилинди). Иттифоқ ҳудудида ўзаро товар айланмаси ўтган 5 йилда 35 фоизга ошиб, 2019 йилда 62 миллиард долларга етди. ЕОИИ чет давлатлар билан ташқи савдоси айланмаси 2019 йилда 733,1 миллиард долларни ташкил қилди (экспорт 459,3 миллиард доллар, импорт — 273,8 миллиард доллар).

Ушбу ижобий иқтисодий тенденциялар ўз навбатида хорижий мамлакатларнинг ЕОИИ билан ҳамкорликни фаоллаштиришга қизиқиши орттиришига сабаб бўлмоқда. Хусусан, Евроосиё иқтисодий иттифоқи савдо-иқтисодий ҳамкорлик ўрнатилиши бўйича **Эркин савдо ҳудуди** (ЭСХ) тўғрисидаги шартномага имзолаш орқали учинчи мамлакатлар билан ҳам ҳамкорлик қилади. Бугунги кунга қадар ЕОИИ эркин савдо ҳудуди тўғрисида Вьетнам (2016 й.), Сингапур (2018 й.), Эрон (2018 й.), Сербия (2019 й.) билан шартномалар имзоланган. Шунингдек, ЕОИИ ва Хитой ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим бўйича музокаралар якунланди.

ЕОИИ билан эркин савдо ҳудуди ва ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланган учинчи мамлакатларнинг яқин ички маҳсулоти 29,6 триллион долларни (ҳарид қобилияти паритета бўйича) ёки жаҳон яқин ички маҳсулотининг 23,2 фоизини ташкил

қилади. Хусусан, Осиё тараққиёт банкининг маълумотларига кўра, **Осиё минтақасидаги ривожланаётган давлатлар ушбу мақсадларга эришиши учун 2030 йилга қадар 14,7 триллион долларни электр энергия соҳасига, 8,4 триллион доллар транспорт-логистикани ривожлантиришга йўналтиришлари лозим.** Ўз навбатида, ЕОИИ умумий энергетика бозори ҳамда ягона транспорт мақомига Ўзбекистонни интеграциялашуви нафақат ушбу соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга тўққонли қилаётган мавжуд муаммоларни ечишга, шу билан бирга, энергоресурслардан кенг фойдаланиш имкониятини ҳамда инвестициялар ва технологияларни жалб қилишга имкон яратяди.

Жумладан, Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашда янги транспорт маршрутларини яратиш ва транспорт-логистика соҳасини модернизациялаш орқали маҳсулотларни йирик ташқи бозорларга олиб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон географик нуқтаи назардан денгиз портлардан узоқда жойлашганлиги сабабли маҳсулотларни экспорт қилишда транспорт-логистика харажатлари 10-15 фоизни ташкил қилади, юк ташувчиларнинг йўлдаги 40 фоиз вақти эса божхонадаги тўсиқларда кетади. Ҳисоб-китобларга кўра, Евроосиё минтақасида юклар транзитида уйғунлаштириш тарифларини қўллаш натижасида ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчиларни харажатлари 221 миллион долларга қисқаради ва бу, ўз навбатида, экспорт ва импорт маҳсулот таннарни камайтиришига олиб келади.

Учинчидан, иттифоқ ҳудудида умумий молия бозорини ташкил қилиш. ЕОИИда самарали молиявий бозорни шакллантириш мақсадига аъзо давлатлар 2025 йилга келиб: а) миллий конунчилиқни ва уни қўллаш амалиётини уйғунлаштириш; б) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солишни такомиллаштириш; в) иқтисодиётнинг реал секторидagi қороналарни кредитлаш ҳажмини ошириш; г) иқтисодиётда давлатнинг ролини камайтириш каби вазифаларни бажариш кўзда тутилган. Бу, ўз навбатида, иқтисодий интеграция жараёнларини янада чуқурлаштириб, барқарор ривожланиш учун қулай шарт-шароит яратяди.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасида уйғунлашган сиёсат юритилишини таъминлаш. Бугунги кунда ЕОИИ аъзо давлатлари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги турли-хил иқтисодий механизмларни (кредитлаш ва субсидиялар тақдим қилиш, нархларни тартибга солиш, сугурта, солиққа тортиш) амалга оширмоқда. ЕОИИ мақонида аграр соҳасидаги маъмурий тўсиқларни олиб ташлаш, мавжуд иқтисодий механизмларни уйғунлаштириш, божхона регуляциясини соддалаштириш, ветеринария ва фитосанитария назоратининг ягона қондаларига амал қилиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ўзаро савдо ҳажминини ошириш ҳамда бошқа давлатларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотини экспортини ошириш мақсад қилинган.

Шу билан бирга, Иттифоқда биотехнология, органик маҳсулотлар ва юқори қўшилган қийматга эга бўлган тайёр қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқиш, шунингдек, глобал климат ўзгаришига мослашиш ва генетик жиҳатдан модификацияланган маҳсулотларни яратиш соҳасидаги изланишлар олиб бориш истиқболли йўналишлар сифатида белгиланган.

Бешинчидан, худудларо санаот операциясини ривожлантириш ва ягона инновацион макон яратиш. ЕОИИда эндиликда санаот кооперациясида нафақат икитомонлама ҳамкорлик, балки кўптомонлама минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалий ҳаракатлар бошланган. Бундан асосий мақсад ҳар бир аъзо давлатни салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, санаот кооперацияси жараёнини янада тезлаштириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни рақобатбардошлигини ошириш, ўзаро янги инновацион технологиялар ва изланимлар бўйича алмашинувларни тизимли йўлга қўйиш, шунингдек, кўптомонлама инвестицион лойиҳаларни амалга оширишдир. Ҳозирги кунда ЕОИИ

доирасида санаот кооперациясини янада ривожлантириш мақсадида **“ЕОИИ санаот кооперацияси ва технологиялар трансферти тармоғи”**нинг махсус рақамли платформи яратилган. Ушбу платформа ЕОИИ аъзо давлатлар ҳудудида жойлашган қорхоналар ва маҳсулот етказиб берувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, мавжуд инновацион ишланмалар ва технологиялар ёрдамида технология ишлаб чиқариш занжирларини шакллантириш ҳамда ягона рақамли экосистема ёрдамида маҳсулотларни экспорт қилишга хизмат қилмоқда.

Ўз ўрнида айтиб ўтиш лозимки, **янги инновацион ва технологик кашфиётларни яратиш узок муددатли илмий изланишлар ҳамда катта маблағларни талаб қиладиган сабабли, иттифоқдош давлатлар мавжуд изланимлардан ҳамкорликда фойдаланишдан манфаатдордир.** Хусусан, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси маълумотларига кўра, давлатларро

лан савдо-иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига боғлиқдир. Таъкидлаш лозимки, ушбу омил, айниқса, пандемия даврида жуда долзарб масалага айланди. Пандемия жуда кўп давлатлар иқтисодиётининг барча соҳаларига салбий таъсир кўрсатди. Хусусан, таъминот занжирлари узилиб қолди, меҳнат бозори зарар кўрди, қатор қорхоналар ўз фаолиятини тўхтади, транспорт ташувлари камайди.

Пандемия сабоқлари умумий саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришга ундайди. Ушбу вазиятда халқаро экспертлар минтақавий жараёнлар кучайиши ва минтақавий тузилмалар аҳамияти ошишини таҳмин қилмоқда. Бундай инқирозли вазиятларда устуник глобал савдо муносабатлари занжирини узилиши муаммосини самаралироқ ҳал қиладиган, миллий иқтисодиётлар учун “елкадош” вазифасини утаб беришни иҳчам минтақавий бозорларга берилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки,



Бутун Иттифокда аҳоли жон бошига ЯИМ 2015-2019 йилларда 16 фоиз ўсган (8913 доллардан 10683 долларга), асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 19 фоиз ошган, ишсизлик даражаси эса 12 фоиз камайган.

санаот кооперацияси натижасида янги маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни 14-20 ой муддатга қисқаради, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш харажатлари эса 50-70 фоиз камаяди. Таъкидлаб ўтиш лозимки, Евроосиё иқтисодий комиссияси томонидан, 2022 йилга қадар ЕОИИ давлатлари ҳудудида амалга ошириладиган режалаштирилаётган умумий қиймати 777 миллиард долларлик 622 йирик инвестицион лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Қўқорида қайд этиб ўтилган омиллардан кўриниб турибдики, миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ва ЕОИИ ўртасида иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун ўзаро истиқболли йўналишлар мавжуд.

Шу ўринда ЕОИИ билан ҳамкорлик Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг мантқий давоми эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари аниқ белгиланган, прагматизм ва миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, яқин ва узок хориждаги барча мамлакатлар ҳамда ташкилотлар билан шериклик алоқаларини мустақамламоқда.

Хусусан, Ўзбекистон **Жаҳон савдо ташкилотига** кириши бўйича ҳаракатларни жадаллаштириди, ўзаро савдо учун янада қулай шартлар яратиш ва ташқи савдо режими мақбуллаштириш мақсадида **Европа Иттифоқи** билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим бўйича музокаралар, шунингдек, **Преференциаларнинг бош тизимига (“ПБТ+”)** қўшилиши доирасида яқуний ишлар олиб бориладими.

Ўз ўрнида, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарадорлиги, кўп жиҳатдан, жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашишига, айниқса, **ҳудудий жиҳатдан яқин мамлакатлар би-**

эндиликда қузатувчи давлат мақоми олган Ўзбекистонга ЕОИИнинг аъзолари ва ҳамкор давлатлари билан мулоқотни мустақамлаш, ташкилотнинг дастурий ва шартномавий органлари ҳужжатларини амалда таъбиқ этилишини янада чуқурроқ ўрганиш, аъзо давлатларнинг ўзаро ҳамкорлик механизмлари, қарор қабул қилиш жараёни, мавжуд меъёрий-ҳуқуқий база ва уни қўллаш амалиёти каби муҳим жараёнлар билан танишиш имконияти яратилди.

Бундан ташқари, ташкилот ичидagi жараёнларга қўшилган ҳолда бизда улардан доимиий маблағдор бўлиб туриш ҳамда миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ЕОИИ иқтисодий сиёсатини шакллантиришда билвосита қатнашиш имконияти юзга келди.

Шу билан бирга, ушбу интеграцион тузилмада қузатувчи бўлиш иқтисодий соҳадаги мавжуд конунчилигини ЕОИИ талаб ва қондаларига мувофиқлаштириш имконини беради.

ЕОИИда қузатувчи мақомининг яна бир афзаллиги унда иттифоқ талабларига риоя қилиш мажбуриятининг юкланмаслиги, айни вақтда Иттифоқ билан ҳамкорлик истиқболлари маҳаллий бизнес вакилларига янада рақобатбардош бўлиш учун ўз фаолиятларини такомиллаштириш масаласини долзарблаштиради. Бундан истеъмоилчилар ва, умуман, модернизациянинг янги босқичига чиқиши орқали иқтисодиёт ютади.

Таъкидлаш кераки, ЕОИИдаги қузатувчи мақоми бизнинг бошқа иқтисодий уюшмалар билан ҳамкорлик қилиш бўйича ташаббус билдириш ҳуқуқларимизни чекламади ва бошқа давлатлар билан иқтисодий муносабатларимизга таъсир қилмайди. Аксинча, минтақавий иқтисодий интеграцион тузилмаларда иштирок этиб, биз иқтисодий салоҳиятимизни ва санаот тармоқлар таърибасини самарали ҳамкорлик қилиш бўйича оширамиз.

